

ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрида Қашқадарё вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 26 309,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 102,8 % ни ташкил этди.

2019 йил январь-сентябрь якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 8 127,1 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич утган йилга нисбатан 100,7 % ни ташкил қилди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Қашқадарё вилоятининг қўшган ҳиссаси 7,3 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМни ишлаб чиқариш

	Млрд. сўм		2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан, % да
	2018 йил январь-сентябрь	2019 йил январь-сентябрь	
I. ЯҲМ	19 973,8	26 309,0	102,8
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	18 912,4	24 391,9	102,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	1 061,4	1 917,1	101,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	18 912,4	24 391,9	102,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7 895,9	9 203,4	103,2
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	6 176,3	8 805,5	98,5
саноат	5 011,9	7 315,2	95,3
қурилиш	1 164,4	1 490,3	112,4
Хизматлар	4 840,2	6 383,0	107,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 126,4	1 344,5	104,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	938,6	1 098,7	110,9
бошқа хизматлар	2 775,2	3 939,8	107,8

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 103,2 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 37,7 %), қурилиш – 112,4 % (6,1 %), хизматлар – 107,7 % (26,2 %) ни ташкил этди. Саноат тармоғининг ўсиш суръатида эса камайиш юз берди ва 95,3 % (ЯХМ таркибида улуши 30,0 %) ни ташкил этди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 92,7 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 7,3 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига (41,8 %) нисбатан 4,1 %га тушиб 2019 йил январь-сентябрь ойларида 37,7 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши ўтган йилнинг мос даврига (32,7 %) нисбатан 3,4 % га ошиб 36,1 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 26,2 % ни ташкил этди ва 2018 йил январь-сентябрь (25,5 %) билан таққослаганда 0,7 % пунктга кўпайди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда)**

2018 йил январь-сентябрь



2019 йил январь-сентябрь




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 5,5 % ни (2018 йил январь-сентябрда – 6,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 4,5 % ни (5,0 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 16,2 % ни (14,5 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)**

**2018 йил
январь-сентябрь**

**2019 йил
январь-сентябрь**



- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими

К. Авлоқулов (75) 221-16-42